



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 17 » ноябрь

№ 723

Toshkent sh.

### Миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатларо муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон Фармонида белгиланган миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга доир вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, ижодий уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласиди:

#### 1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари хузуридаги Миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ;

Туманлар (шаҳар) ҳокимликлари хузуридаги Миллатларо тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг намунавий таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

A. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” ноябр даги 723-сон қарорига  
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик,  
бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича  
жамоатчилик кенгашлари тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Намунавий низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаш) асосий вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгашлари ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи маслаҳат органи ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тузилади ҳамда унинг фаолияти белгиланган ҳудудга нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари,  
функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари**

3. Куйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

турли миллат вакиллари яшаётган ҳудудлар ахолисининг майший ва ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳар чоракда муҳокама қилиш ва ҳамкорликда ҳал этишни ташкил қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш;

жамиятда юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро ихтилофлар ва можароларнинг барвакт олдини олиш ва профилактика чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш учун фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

турли миллат ва элатга мансуб фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органларининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилишда ва ҳар томонлама таҳлил қилишда, ижтимоий сўровлар ўтказишида, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказишида иштирок этиш;

этномаданий инфратузилмани, жумладан, миллий маданий марказларнинг, шунингдек, фаолияти миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш доирасидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган давлат муассасаларининг этномаданий инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистоннинг туристик маҳсулотларини оммалаштириш, шу жумладан жойларда этнотуризмни ривожлантириш ишларида ҳамкорлик қилиш;

фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш бўйича таклифлар бериш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга доир қабул қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжатларда, карорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик фикри ҳисобга олинишини назорат қилиш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан белгиланган ҳудудда соғлом маънавий-руҳий ҳолатни, қонунийлик, юқори ҳукуқий маданият ва одоб-ахлоқни таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши;

миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, эксперtlари ҳамда вакилларининг оммавий ахборот воситаларидағи чиқишлиарини, учрашувлар, тақдимотлар, давра сұхбатлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш;

Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар мониторингини олиб бориши.

4. Жамоатчилик кенгаши ўзининг асосий вазифаларига мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга оид ташаббус ва мурожаатларини кўриб чиқишида иштирок этади, уларни кўриб чиқиши натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар тайёрлайди;

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашнинг самарали шакл ва усуллардаги ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласи, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга доир норматив-ҳукуқий хужжатларни, шунингдек, давлат органларининг ички идоравий хужжатларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда ушбу таклифларни Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида муҳокама қилиш тадбирларини ташкил қилишида иштирок этади;

жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларда Ватанга садоқат ва қонунларга ҳурмат руҳини кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, психологик ва маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтириш бўйича таклифлар тайёрлайди, ушбу соҳада маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этишида иштирок этади, шунингдек, бу борадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича белгиланган ҳудудда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда маълумот беради ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларни бартараф қилиш ҳақида таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга бағишиланган илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, давра сухбатларини ташкил қилишида иштирок этади;

Жамоатчилик кенгаши фаолиятини расмий веб-сайтларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаларини таҳлил қиласи, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этишига доир таклифлар тайёрлайди;

ўз вазифаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласи.

5. Жамоатчилик кенгаши ўзининг асосий вазифалари ва функцияларини бажариш учун куйидаги ҳукуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида давлат органларидан керакли ҳужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш ва қабул қилиш;

Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан иборат жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга бағишлаб ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

турли миллат вакиллари ҳамда улар оила аъзоларининг конституциявий ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таҳлилий ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларга давлат, жамоат, маданият ва санъат арбоблари, олимлар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш, шунингдек, улар билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилиш;

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мазкур Низомга ва бошқа Қонун ҳужжатларига риоя қилиши;

давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қиласлиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашига қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркиби**

7. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, масъул котиб ва аъзолари киради. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

8. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ёки уларни вазифасини бажарувчи шахс Жамоатчилик кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг намунавий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажариш зиммасига юклangan шахс киритилади.

Миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятлари фахрийлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари Жамоатчилик кенгашининг таркибиға киритилиши мумкин.

9. Куйидаги ҳолатларда Жамоатчилик кенгашининг раиси, масъул котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

Жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

10. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартиришлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичida Жамоатчилик кенгашининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Жамоатчилик кенгашининг раиси Жамоатчилик кенгаши фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ҳамда қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Жамоатчилик кенгаши мажлисини чақириш, кун тартибини ва мажлисни олиб бориш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгаши мажлисига раислик қилиш;

Жамоатчилик кенгашининг иш режаси, Жамоатчилик кенгashi мажлиснинг баённомаси ва Жамоатчилик кенгашининг иш юритувига оид бошка хужжатларини тасдиқлаш;

Жамоатчилик кенгashi қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамоатчилик кенгashi аъзоларининг зиммасига юклатилган топшириклар бажарилишини ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига Жамоатчилик кенгашига кирувчи шахсларни унинг таркибидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Жамоатчилик кенгashi аъзоларининг унинг фаолиятида иштирок этиш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгashi йиғилишларини ўтказиш муддатлари ва тартибини аниқлаш;

Жамоатчилик кенгashi доимий ишчи органининг иш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгashi аъзоларининг ваколатларини тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

Жамоатчилик кенгashiда тадбирларга тайёргарлик кўриш ва тадбирларни ўтказиш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошка ваколатларни амалга ошириш.

## 12. Жамоатчилик кенгашининг масъул котиби:

Жамоатчилик кенгашининг мажлисига керакли хужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгashi мажлисининг кун тартиби бўйича ўтишини ташкил этади;

Жамоатчилик кенгашининг раиси билан мажлисни ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида келишади;

Жамоатчилик кенгashi аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлисни ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабардор қиласди;

Жамоатчилик кенгashi қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Жамоатчилик кенгashi мажлисида кўриб чиқиши бўйича таклиф киритади;

Жамоатчилик кенгashi баённомасини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомани Жамоатчилик кенгashi аъзоларига ва бошка манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгашининг расмий веб-сайтида ва бошка ресурсларда жойлаштириладиган Жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни раис билан келишади;

Жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан давлат органлари раҳбарлари билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади ҳамда ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатлари ва Жамоатчилик кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 13. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

Жамоатчилик кенгаши мажлислида кўриладиган масалаларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишда ўз ваколатларини бошқага бериш хукуқисиз қатнашадилар. Жамоатчилик кенгаши аъзолари айрим ҳолларда унинг мажлислида қатнаша олмаган тақдирда, ўз фикрларини ёзма тарзда Жамоатчилик кенгаши масъул котибига тақдим этишлари мумкин ва кўрсатиб ўтилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда хисобга олинади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги фаолиятни тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар ва давлат органлари ички идоравий ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар;

Жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайдилар;

Жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқадилар ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайдилар;

турли миллат вакиллари ва уларнинг оила аъзоларининг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича Жамоатчилик кенгашига таклифлар киритадилар.

### 4-боб. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи

14. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари котибияти ҳамда Жамоатчилик кенгашининг аъзоларидан шакллантирилади.

### 15. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи:

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг методик, ташкилий-хукуқий, ташкилий-техник таъминот масалаларини ҳал қилади;

Жамоатчилик кенгашининг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди, Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларни тайёрлайди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимларидан керакли хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши ваколатларига киравчи мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли хужжатларни тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши томонидан берилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

### **5-боб. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш**

16. Жамоатчилик кенгаши ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, унинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари Жамоатчилик кенгаши мажлисларида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгаши мажлиси Жамоатчилик кенгашининг иш режаси асосида камида ҳар чоракда бир маротаба чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

17. Жамоатчилик кенгаши мажлисларида миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари таклиф қилиниши шарт.

Жамоатчилик кенгаши мажлисига таклиф қилинувчи шахслар рўйхати Жамоатчилик кенгаши раиси билан келишган ҳолда, Жамоатчилик кенгаши масъул котиби томонидан шакллантирилади.

18. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Жамоатчилик кенгаши раиси топшириғи асосида унинг масъул котиби томонидан шакллантирилади.

19. Жамоатчилик кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан олиб борилади.

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари ёки бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

20. Жамоатчилик кенгаши мажлиси, агар унда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳукуқига эга эмас.

21. Жамоатчилик кенгашининг қарори унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Жамоатчилик кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

22. Жамоатчилик кенгаши қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегиалликка асосланади.

23. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарорга ўзининг фикрларини ёзма тарзда билдириш ҳукуқига эга. Бунда фикрлар Жамоатчилик кенгаши мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

24. Жамоатчилик кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан тегишли давлат органларига юборилади.

Жамоатчилик кенгашининг қарори тавсиявий хусусиятга эгадир. Агар қарор давлат органлари томонидан маъқулланмаса, улар қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечикмасдан Жамоатчилик кенгашига асослантирилган жавобини тақдим қиласди.

25. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати юзага келганда, Жамоатчилик кенгашининг қарори Жамоатчилик кенгаши раиси ташаббуси билан унинг аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Жамоатчилик кенгаши котиби томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда уч кунлик муддатда Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

27. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи ва масъул котиби Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан биргаликда Жамоатчилик кенгаши қарорларини ижро этиш йўлларини тизимли ўрганади ва кўриб чиқади, зарур ҳолларда, Жамоатчилик кенгаши раисига таклифлар киритади.

28. Ишчи орган Жамоатчилик кенгаши қарорларини ижро этиш натижалари ҳақида ҳар ойда Жамоатчилик кенгаши раисига маълумот тақдим этади.

## 6-боб. Якуловчи қоидалар

29. Жамоатчилик кенгашининг моддий-техник таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимларни томонидан, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни хузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси хузуридаги жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорлик қиласди.

31. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни хузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” ноябрдаги 723-сон қарорига  
2-илова

**Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик,  
бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича  
жамоатчилик кенгашлари тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Намунавий низом туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқук ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи маслаҳат органи ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳузурида тузилади ҳамда унинг фаолияти белгиланган худудга нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари,  
ҳуқук ва мажбуриятлари**

3. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

турли миллат вакиллари яшаётган худудлар аҳолисининг майший ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳар чоракда муҳокама қилиш ва уларни ҳамкорликда ҳал этишни ташкил қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш;

жамиятда юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро ихтилофлар ва можароларнинг барвакт олдини олиш ва профилактика қилиш чоратадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўргасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш масалалари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимларини нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали

ҳамкорлигини ташкил этиш учун фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

турли миллат ва элатга мансуб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органларининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилишда ва ҳар томонлама таҳлил қилишда, ижтимоий сўровлар ўтказишда, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказишда иштирок этиш;

этномаданий инфратузилмани, жумладан, миллий маданий марказларнинг, шунингдек, фаолияти миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш доирасидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган давлат муассасаларининг этномаданий инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистоннинг туристик маҳсулотларини оммалаштириш, шу жумладан жойларда этнотуризмни ривожлантириш ишларида ҳамкорлик қилиш;

фуқароларнинг она тилида таълим олиш имкониятини таъминлаш даражасини ошириш бўйича таклифлар бериш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга доир қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик фикри ҳисобга олинишини назорат қилиш;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан белгиланган ҳудудда соғлом маънавий-руҳий ҳолатни, қонунийлик, юқори ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, эксперtlари ҳамда вакилларининг оммавий ахборот воситаларидағи чиқишлигини, учрашувлар, тақдимотлар, давра сұхбатлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш;

Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш.

4. Жамоатчилик кенгаши ўзининг асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва

ҳамжиҳатликни таъминлашга оид ташаббус ва мурожаатларини кўриб чиқиша иштирок этади, уларни кўриб чиқиши натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар тайёрлайди;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашнинг самарали шакл ва усулларда ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласи, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга доир норматив-хукуқий хужжатларни, шунингдек, давлат органларининг ички идоравий хужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ҳамда ушбу таклифларни Жамоатчилик кенгаси аъзолари ўртасида муҳокама қилиш бўйича тадбирларни ташкил қилишда иштирок этади;

жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларда Ватанга садоқат ва қонунларга ҳурмат руҳини кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, психологик ва маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтириш бўйича таклифлар тайёрлайди, ушбу соҳада маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этишда иштирок этади, шунингдек, бу борадаги илмий-маърифий ва ўкув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича белгиланган худудда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда маълумот беради ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларни бартараф қилиш ҳақида таклифларни ишлаб чиқади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида ишлар самарадорлигини оширишга бағишлиланган илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, “давра сухбатлари”ни ташкил қилишда иштирок этади;

жамоатчилик кенгаси фаолиятини расмий веб-сайтларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаларини таҳлил қиласи, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ўз вазифаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласи.

5. Жамоатчилик кенгаси ўзининг асосий вазифалари ва функцияларини бажариш учун куйидаги хукуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида давлат органларидан керакли хужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш ва қабул қилиш;

Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан иборат жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари билан келишган ҳолда миллатлараро тутувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга бағишлаб ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

турли миллат вакиллари ҳамда улар оила аъзоларининг конституциявий хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таҳлилий ўрганиш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига Жамоатчилик кенгаши ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳамда Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларга давлат, жамоат, маданият ва санъат арбоблари, олимлар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш, шунингдек, улар билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилиш;

Жамоатчилик кенгашининг фаолияти ҳакида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда куйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларга, мазкур Низомга ва бошқа Қонун ҳужжатларига риоя қилиши;

давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашига қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркиби**

7. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, масъул котиби ва аъзолари киради. Жамоатчилик кенгashi ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

8. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахс Жамоатчилик кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгашининг намунавий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгashi аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажариш зиммасига юклangan шахс киритилади.

Миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятлари фахрийлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари Жамоатчилик кенгашининг таркибига киритилиши мумкин.

9. Кўйидаги ҳолатларда Жамоатчилик кенгашининг раиси, масъул котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

Жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмагандан, мазкур Низомда назарда тутилган мажбуриятларни бажармагандан;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айлов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

10. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартиришлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичida жамоатчилик кенгашининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Жамоатчилик кенгашининг раиси Жамоатчилик кенгashi фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда кўйидаги ваколатларни амалга оширади:

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Жамоатчилик кенгashi мажлисини чақириш, кун тартибини ва мажлисни олиб бориш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгashi мажлисига раислик қилиш;

Жамоатчилик кенгашининг иш режаси, Жамоатчилик кенгashi мажлисининг баённомаси ва Жамоатчилик кенгашининг иш юритувига оид бошқа хужжатларини тасдиқлаш;

Жамоатчилик кенгashi қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган топшириқларни бажарилишини ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига Жамоатчилик кенгашига кирувчи шахсларни унинг таркибидан чиқариш бўйича таклифларни киритиш;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг унинг фаолиятида иштирок этиши тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгаши йиғилишларини ўтказиш муддатлари ва тартибини аниқлаш;

Жамоатчилик кенгаши доимий ишчи органининг иш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг ваколатларини тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

Жамоатчилик кенгашида тадбирларга тайёргарлик кўриш ва тадбирларни ўтказиш тартибини белгилаш;

Жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

## 12. Жамоатчилик кенгашининг масъул котиби:

Жамоатчилик кенгашининг мажлисига керакли хужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартиби бўйича ўтишини ташкил этади;

Жамоатчилик кенгашининг раиси билан мажлисни ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида келишади;

Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлисни ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳақида хабардор қиласди;

Жамоатчилик кенгаши қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклиф киритади;

Жамоатчилик кенгаши баённомасини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомани Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгашининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган Жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни раис билан келишади;

Жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан давлат органлари раҳбарлари билан ҳамкорлик қиласди;

Фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласди ҳамда ариза, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатлари ва Жамоатчилик кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**13. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:**

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида кўриладиган масалаларни ҳал қилиш ва муҳокама қилишда ўз ваколатларини бошқага бериш ҳуқуқисиз қатнашадилар. Жамоатчилик кенгаши аъзолари айрим ҳолларда унинг мажлисларида қатнаша олмаган тақдирда ўз фикрларини ёзма тарзда Жамоатчилик кенгаши масъул котибига тақдим этишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасидаги фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқукий ҳужжатлар ва давлат органлари ички идоравий ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар;

Жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайдилар;

Жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқадилар ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайдилар;

турли миллат вакиллари ва уларнинг оила аъзоларининг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашига таклифлар киритадилар.

**4-боб. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи**

**14. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи таркиби туманлар (шაҳарлар) ҳокимларининг ўринбосари – маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиги аппаратининг тегишли бош мутахассиси ҳамда Жамоатчилик кенгашининг аъзоларидан шакллантирилади.**

**15. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи:**

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг методик, ташкилий-хуқукий, ташкилий-техник таъминот масалаларини ҳал қиласди;

Жамоатчилик кенгашининг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди, жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларни тайёрлайди, туманлар (шахарлар) ҳокимликлари ходимларидан керакли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши ваколатларига киравчи мурожаатларни кўриб чиқади ва тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

Жамоатчилик кенгаши томонидан берилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

### **5-боб. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил қилиш**

16. Жамоатчилик кенгаши ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, унинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари Жамоатчилик кенгаши мажлисларида кўриб чиқиласди. Жамоатчилик кенгаши мажлиси Жамоатчилик кенгашининг иш режаси асосида камидаги ҳар чорақда бир маротаба чақириласди.

Жамоатчилик кенгашининг раиси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камидаги учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида навбатдан ташқари мажлис чакириши мумкин.

17. Жамоатчилик кенгаши мажлисларида миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари таклиф қилинини шарт.

Жамоатчилик кенгаши мажлисига таклиф қилинувчи шахслар рўйхати Жамоатчилик кенгаши раиси билан келишган ҳолда жамоатчилик кенгаши масъул котиби томонидан шакллантирилади.

18. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгаши раиси топшириғи асосида унинг масъул котиби томонидан шакллантирилади.

19. Жамоатчилик кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан олиб борилади.

Жамоатчилик кенгаши мажлисларида туманлар (шахарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари ёки бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

20. Жамоатчилик кенгаши мажлиси, агар унда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камидаги учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиласдиган масалаларни муҳокама қилиши ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

21. Жамоатчилик кенгашининг қарори унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Жамоатчилик кенгashi раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

22. Жамоатчилик кенгashi қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегиалликка асосланади.

23. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарорга ўзининг фикрларини ёзма тарзда билдириш ҳукуқига эга. Бунда фикрлар Жамоатчилик кенгashi мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

24. Жамоатчилик кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмасдан тегишли давлат органларига юборилади.

Жамоатчилик кенгашининг қарори тавсиявий хусусиятга эгадир. Агар қарор давлат органлари томонидан маъқулланмаса, улар қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечикмасдан Жамоатчилик кенгashi асослантирилган жавобини тақдим қиласди.

25. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати юзага келганда, Жамоатчилик кенгашининг қарори Жамоатчилик кенгashi раиси ташаббуси билан унинг аъзолари билан маслаҳатлашилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгashi мажлисида қабул қилинган қарор мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Жамоатчилик кенгashi котиби томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда уч кунлик муддатда Жамоатчилик кенгashi аъзоларига ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

27. Жамоатчилик кенгашининг ишчи органи ва масъул котиби Жамоатчилик кенгashi аъзолари билан биргаликда Жамоатчилик кенгashi қарорларини ижро этиш йўлларини тизимли ўрганади ва кўриб чиқади, зарур ҳолларда, Жамоатчилик кенгashi раисига таклифлар киритади.

28. Ишчи орган жамоатчилик кенгashi қарорларини ижро этиш натижалари ҳакида ҳар ойда Жамоатчилик кенгashi раисига маълумот тақдим этади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

29. Жамоатчилик кенгашининг моддий-техник таъминоти туманлар (шахарлар) ҳокимликлари томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

30. Туманлар (шахарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тутувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгashi билан ҳамкорлик қилади.

31. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари ҳамда туманлар (шахарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “Г7” ноябр даги 723 -сон қарорига  
3-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик,  
бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича  
жамоатчилик кенгашларининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, *Жамоатчилик кенгашлари раиси*
2. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий –маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари
3. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқлари
4. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари (*келишув асосида*)
5. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари
6. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари
7. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари
8. Лавозимга кўра - Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
9. Лавозимга кўра - Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари

10. Лавозимга кўра - худудий телерадиокомпания раҳбари
11. Лавозимга кўра - миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари
12. *Келишувга асосан* - нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари
13. Лавозимга кўра - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринbosарлари, *Жамоатчилик кенгашилари масъул котиблари*

*Изоҳ. Жамоатчилик кенгаши аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг маркибига ушибу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажарishi зиммасига юкланган шахс киритилади*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” ноябр даги 723-сон қарорига  
4-илова

**Туман (шахар) ҳокимликлари хузуридаги Миллатлараро  
тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича  
жамоатчилик кенгашларининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимга кўра - туман (шахар) ҳокими, Жамоатчилик кенгаси раиси
2. Лавозимга кўра - туман (шахар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий–маърифий ишлар бўйича ўринbosари
3. Лавозимга кўра - туман (шахар) прокурори (*келишув асосида*)
4. Лавозимга кўра - туман (шахар) ички ишлар бўлими (бошқармаси) бошлиғи
5. Лавозимга кўра - туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
6. Лавозимга кўра - туман (шахар) адлия бўлими бошлиғи
7. Лавозимга кўра - Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлими бошлиғи
8. Лавозимга кўра - Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман (шахар) бўлинмаси раҳбари
9. Лавозимга кўра - миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари
10. Келишувга асосан - нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари
11. Лавозимга кўра - туман (шахар) ҳокимининг ўринbosари – маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Жамоатчилик кенгаси масъул котиби

**Изоҳ. Жамоатчилик кенгаси аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифасини бажарши зиммасига юкланган шахс киритилади**

